

СУЛТОНОВ Ш.А.

ИСТИҚЛОЛ ВА ТАДБИРКОРЛИК

Тошкент - 2009

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

“ИҚТИСОДИЁТ” КАФЕДРАСИ

СУЛТОНОВ ШОДИЁР АБДУХАЛИЛОВИЧ

ИСТИҚЛОЛ ВА ТАДБИРКОРЛИК

Масъул муҳаррир:

Доц. Б.Абдикаримов.

**Такризчилар: 1. 3.Давронов
фалсафа фанлари доктори,
профессор. 2. 3.Маматов. иқтисод
фанлари доктори, профессор.**

Тошкент “IQTISOD-MOLIYA”

2009

Кириш

«Тадбиркорлик» хақида гап кетса “тадбир”, “тадбиркор”, “тадбирли” сўзлари кўз ўнгингдан ўтади. Икки томлик “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” (М., “Рус тили” нашриёти, 1981, 3.М. Маъруфов таҳрири остида, II-томининг 106 саҳифаси) да юқоридаги сўзларга батафсил таъриф берилган. Унда, бирор ишни, мақсадни амалга ошириш, рўёбга чиқариш воситаси, шунинг учун пухта ўйлаб тузилган, ишлаб чиқилган амалий-чоралар мажмуи. Тадбирли одам тадбиркордир. Тадбиркор одам эртанинг ғамини ейди. Тадбир билан, пухта ўйлаб иш қиладиганлар - тадбирли, тадбиркор одамлардир.¹ Илмий адабиётлардаги таърифнинг қимматлигига ҳеч ким шубҳаланмайди. Аммо, “тадбиркорлик” сўзининг чин маънодаги мазмун-моҳияти истиқлолдан кейин тўла намоён этди. Тадбиркорлар - бунёдкор, яратувчи, ишбилармон ва ҳаказо, ҳаказолар билан тўлдирилди. Тадбиркорликка истиқлол тўла йўл очиб, давлат сиёсати даражасига кўтарди. Бунга, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида махсус иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва чет эл инвестициялари бўйича Идоралараро кенгашининг тузилганлиги гувоҳ. Кенгаш фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ягона стратегиясини ҳамда бу стратегияни рўёбга чиқаришнинг амалий чора-тадбирларини ишлаб чиқади. Иқтисодий ислоҳотларларнинг ҳуқуқий негизини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар тайёрлади. Мамлакатимизда иқтисодий ўзгаришларнинг аниқ моделлари ва дастурларини ишлаб чиқади. Тадбиркорликни ривожлантиришнинг аҳволини таҳлил қилади, чет эл инвестицияларни фаол жалб этиш чора ва тадбирлар тизимини бегилайди. Мустақилликка чиққанимиздан кейин, биринчи кунлариданоқ тадбиркорликни ривожлантириш, унинг ҳуқуқий асосларини яратишдан бошланди. Бунга Бош Қомусимизнинг IX ва XII боблари гувоҳ.² Тадбиркорликни мамлакатимизда кенг қулоқ ёзишида Президент Ислом Каримовнинг хизматлари жуда катта. Юртбошимизнинг саъйи-ҳаракатлари туфайли кичик бизнес ва хусусий

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. М., “Рус тили” нашриёти. 3.М. Маъруфов таҳрири остида. 1981, II-том, 106 бет.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: “Ўзбекистон”, 2008, 9-11 бетлар.

тадбиркорлик жамиятимизда ўз ўрнини топди. Мустақил давлатимизнинг асосчиси, барча ислохотларнинг ташаббускори, Президент Ислом Каримов тадбиркорликни оёққа туришида раҳнамолик қилди. Шунинг учун тадбиркорлар мамлакатимиз иқтисодиётини асосларини бирига айланди. Инсоният пайдо бўлгандан буён, ўз даврининг улуғлари ишбилармонларни, уддабуронларни, бунёдкор-яратувчиларни улуғлаган, жамиятни раванга ва тараққиётини белгиловчи топқирлар, ғайратли, ақли расолар деб баҳолаган. Бир сўз билан айтганда жамиятни суянчиғи деб билганлар.

Тадбиркорлар тадбирли бўлганлиги сабабли донишмандлар назарига тушиб, уларнинг олқишларига мушарраф бўлган. Тадбиркорлар доимо одамлар орасида мулоқотда бўлишлиги табиий, шунда уларнинг хушмуомлалиги “узукка кўздек” ярашади. Ширинсўзлик эса, битмаган ишни битиради. Муамала маданияти ҳам тадбиркорлар учун зарур. Биз алоҳида, мавзу қилиб қўймадигу, аммо тадбиркорларда қийиниш маданияти, ўзини тутиши ҳам санъат даражасига кўтарилиши даркор. Шундагина, у, ўз олдига қўйган мақсадларга тез етади. Бизнинг тавсия ва истакларимизга амал қилса, улар фақат ютади. Биз рисоламизда, жуда кўп алломаларнинг ҳикматларига мурожаат қилдик. Донолар бисоти умуман, ҳамма учун керакли бойлик. Аммо, тадбиркорлар учун айни муддао.

Умуман, рисола кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларда катта қизиқиш уйғотишига ишончимиз комил. Энди, оёққа тураётган тадбиркорларга донолар ҳикмати ва алломалар бисотини асқотиши табиий.

1. Президент Ислом Каримов тадбиркорлик ҳақида

Рисоламизга бекорга “Истиқлол ва тадбиркорлик” номини қўймадик. Мамлакатимизда чин маънодаги тадбиркорлик истиқлол туфайли бўй кўрсатди. Мустақиллигимизнинг илк кунлариданок, юртбошимиз Ислом Каримов тадбиркорликни шакллантириш ва ривожлантириш истиқболларини белгилаб берди. **“Мулкчиликнинг, - деганди Ислом Каримов, - барча шакллари эрк берилади, шахсий ташаббус ва ишбилармонликка кенг**

йўл очилади»¹.¹ Ҳа, ишбилармонлик ва тадбиркорликка кенг йўл очилди, унинг истиқболлари белгилаб берилди. 1997 йил 6 февралда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва хорижий инвестициялар бўйича Идоралараро кенгашда 1996 йил якунларини муҳокама қилди. Кенгаш Раиси, Президент Ислом Каримов олиб борди. Энг муҳим якун - 1996 йилда ишлаб чиқаришнинг пасайиши тўхтатилди. Ялпи ички маҳсулот ҳажми 1,6 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6 фоиз, истеъмол товарлари 8,1 фоиз, ташқи савдо обороти 1,4 баровар ўсди. Дон етиштириш ва харид қилиш, пулли хизматлар кўрсатиш, қурилиш ишлари, юкларни ташиш ҳажмлари аввалги йилга нисбатан сезиларли даражада кўпайди.² Ушбу ютуқларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларнинг ўрни катта. Шунинг учун давлат раҳбари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларни ўз ҳимоясига олиб, раҳнамоликларини аямаяпти. Шундай қилиб, Президент Ислом Каримов кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларнинг пайдо бўлишидан ривожланиш босқичига ўзларининг эътиборларидан четда қолдирмади.

Бу борада 2004 йилнинг бошида юртбошимиз Ислом Каримов шундай дейдилар.

«Айни вақтда мамлакатимизда 250 мингга яқин кичик бизнес ва хусусий корхоналар фаолият кўрсатмоқда, бу соҳада 5,5 миллион киши ёки иш билан банд бўлган одамларнинг 57 фоизи меҳнат қилмоқда. Ялпи ички маҳсулотнинг 35 фоизи ана шу корхоналар ҳиссасига тўғри келмоқда. Биргина 2003 йилда тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 375 мингта янги иш ўрни ташкил этилди»³.

Республикаимизнинг бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос моделининг назарий асослари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида акс этган. Бу дастурий асарлар иқтисодиёт

¹ Каримов И.А. Истиқлол йўли: Муаммолар ва режалар. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. - Т.: Ўзбекистон, 1996, 23 бет.

² Каримов И.А. Мулклар синфини шакллантириш - ислоҳотларнинг Бош мезони. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т.5. -Т.: Ўзбекистон, 1997. 332-33 бетлар.

³ Каримов И.А. Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислоҳотлар йўлидан изчил бориш-асосий вазифамиз. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродаимизга боғлиқ. Т.12. -Т.: «Ўзбекистон», 2004, 227 бет.

назарияси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшди ва қўшаверади.

Рисоланинг назарий асослари ҳақида гап кетса, Ўзбекистан истиклол ва тараққиёт йўлининг беш тамойили кўз ўнгимизга келади. Президент Ислон Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёти йўли»¹, (1992), «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг»². (1993), «Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли»³ (1993) ва бошқа асарларида, мамлакатларимизнинг бозор муносабатларига ўтиш йўлини юксак таърифини асослаб берди. Дунёда «Ўзбек модели» деб тан олинган беш тамойил Ўзбекистоннинг ўтиш давридаги стратегиясини белгилаб берди. Иқтисодни сиёсатдан устуворлиги, давлатнинг бош ислохотчилиги, конуннинг устуворлиги, кучли ижтимоий ҳимоя ва ислохотларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожлантириш кафолатидир.

Президентимиз Ислон Каримов “Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли” асари (2007 йил 30 август)да “Ҳозирги кунда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг 76 фоизи жумладан, саноат маҳсулотининг қарийб 80 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва чакана савдо айланмаси эса тўлиғича иқтисодиётнинг нодавлат секторида яратилмоқда. Юртимиздаги корхоналарнинг 90 фоизи хусусий ва корпоратив мулк шаклига ўтган, уларда жами иш билан банд аҳолининг 77 фоизи меҳнат қилмоқда”.⁴ Юқорида қайд этилган рақамлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар фаолиятига берилган баҳо, уларнинг ютуқларидан нишона. Бундан кейин ҳам, давлатимиз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларга эътибор қаратаверади.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. -Т.: “Ўзбекистон”, 1996 36-85 бетлар.

² Каримов И.А. Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. -Т. 1 -Т.: Ўзбекистон, 1996, 140-146 бетлар.

³ Каримов И.А. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. -Т.: “Ўзбекистон”, 1996, 274-359 бетлар.

⁴ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Мамлакатимизда модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16 - Т.: “Ўзбекистон”, 2008, 47 бет.

“2008 йилда - дедилар Президент Ислом Каримов, - мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси Мажлисидаги маърузасида, - мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ҳам барқарор ривожланди”.¹

Ўзининг кичик корхонасини очаётган тадбиркорлар биринчи галда корхонани замонавий ускуналар, бозор талабига қараб тез ўзгартириш мумкин бўлган ихчам технологиялар билан жиҳозлашга эътибор қаратиши, рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириши давр талаби.

Президентимиз Ислом Каримов мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданок, тадбиркор, ишбилармонларга ўзларининг раҳнамоликларини аямаяпти. Шунинг натижасида мамлакатимизда кичик бизнес субъектларини сони 400 мингтадан ошиб кетди. Улар томонидан ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари ҳажми 2008 йилда 22 фоизга кўпайди. Мамлакатимизда иш билан банд бўлган жами аҳолининг 76 фоиздан кўпроғи шу соҳада меҳнат қиляпти. Юқоридаги ҳолатлар юртимизда тадбиркорлик катта кучга айланганлигини билдиради.

Шундай қилиб, давлатимиз бошлиғи Ислом Каримов кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларнинг раҳнамочиси, ҳимоячиси ва таянчи бўлиб қолаверади.

2. Донолар тадбиркорлик ҳақида

**Қайси ишда олдин ҳаракат қилса кўп,
Ўл иш охирига етади, синадим кўп
Юсуф Хос Хожиб**

Донишманд бобокалонимиз Юсуф Хос Хожибнинг ҳикмати тадбиркорлар учун айтилгандай, худди халқ нақлида зикр қилинганидек, «ҳаракатга баракат». Тадбиркорлик, ишбилармонлик ҳам Тангримининг инояти ҳисобланиб, ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Шунинг учун бўлажак тадбиркор,

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш - давр талаби.//Халқ сўзи//. 2009 йил 14 феврал.

иш юритувчи, ишбилармон, ўзида қандайдир, интилиш, иштиёқ туғилса ҳаракатга тушсин. Мана, бу борада Абдурахмон Жомий ҳазратлар миросига қулоқ тутайликчи қандай садо таралаётган экан.

Агар бўлса сенинг мускулинг бугун пўлат,
Баданда териларинг бўлса-да, совут қат-қат...
Фалак қаддингни букар, айла бундан андиша,
Ўзингга кел жигарим, касби корни қил пеша.

Ана, «касбикор»ни аллома осмонга кўтараяпди, уни улуғлаб ҳаётнинг турмушнинг чигалликларига, қийинчиликларига, бало - қазоларга посбон, калкон деб баҳолаяпти. Булар бежиз эмас, чунки касбикор, тадбиркорлик, ишбилармонлик барча бойликларнинг асоси, тўкин сочинликнинг сабабчиси, тўқлиги-бутликнинг эгаси. Тадбиркорлар тадбиркор бўлганлиги учун ҳам улар, яратувчи, бунёдкор, соҳибкор.

Албатта тадбиркорликнинг, ишбилармонликнинг тагида меҳнатсеварлик ётади. Меҳнатсеварлик билан ишбилармонлик эгизак, тадбиркорлик билан меҳнатсеварлик оға-ини, улар бир-бирларини тўлдиради, сайқалланиб, жилоланиб, янги-янги қирраларини очаверади. Шу жойда янтик дунё мутафаккирларидан Пифагорнинг “Ҳайкални кўриниши, одамни эса қилган ишлари безайди”. Ҳа, алломанинг ҳикмати гўё ишбилармонларга айтилгандай жаранглайди. Тадбиркорларнинг ҳам тадбирли ишлари элга танитади, айна вақтда юрт бойлигини ривожланишига хизмат қилади. Халқ нақлида қайд этилишига “ишлаган ерни яшнатар, ишламаган-қақшатар”. Шу жойда донолардан яна бирининг ҳикмати бўй кўрсатиб қолди, синчиклаб боқингчи нималар жилваланаяпти, қанақа хушҳоллик, наволар таралаяпди: «Иш (тадбиркорлик - Ш.Султонов) - қайсар ва кучли ҳайвондек гап уни усталик билан бошқариш керак, жиловини яхши тутмасанг, сени енгиб қўяди». Ана, Сизга йўл-йоруғ, маслаҳат, ўғит, амал қилинса, хулоса чиқарилса оқибати шарофатли, натижаси омонлик. Меҳнатсеварлик доимо инсониятга фойда келтирган. Меҳнатсеварликка эҳтирос, меҳр қўшилса, айна муддао унинг натижаси шарофатли.

Ишбилармонлик ва тадбиркорликда эҳтироснинг ўрни катта, ташаббус ҳам ҳалақит бермайди. Истак, ҳавас ҳам интилишга олиб келади. «Интилганга толъе ёр» деб ҳалқимиз бекорга айтмаган. «Дунёдаги ҳеч бир улуғ иш, деганди немис донишманди Гегель, - эҳтироссиз содир бўлмайди». Алломанинг ҳикмати ишбилармонлар учун айти муддао, тадбиркорларнинг тадбиркорлиги учун қанот, чунки тадбиркорларнинг иши буюклик учун хизмат қилади, улуғликка элтади.

Жаҳон тиббиёти алломаларидан - И.П. Павлов «Ҳақиқий эҳтирос ва меҳр бўлмаса, ҳар қандай иш (тадбиркорлик - Ш.Султонов) ҳам юришмайди». Донишмандларнинг ҳикмати ҳаммага тааллуқли, ҳар киши ўзига кераклисини олади.

Тежамкорлик ҳам тадбиркорнинг ҳислати, меъёрини билишлик ишбилармонларга жуд қўл келади. Инсоний фазилатларнинг гултожиларидан ҳисобланган тежамкорлик ҳаммага керак, барчага фойдаси тегади, умуман кам бўлмайди, натижаси қутлуғ. Биринг икки бўлади, иккинг туман. Ҳа, тежамкорликнинг яхши томонлари кўп, меъёрини билганлар ҳам кам бўлмайди. Халқ нақлларида зикр қилинганидек, «тежовуқлик иш - бежовуқлик иш», «тежаган терга тушмас», «тежаб еган дармонда, тежамаган - армонда»дадир. Тежамкорлик айтиқса ишбилармон ва тадбиркорларга узукка кўздек ярашади. Меъёр ҳам тадбиркор ва ишбилармонлар фаолияти учун фойдали. Меъёрини билиб иш тутган тадбиркорлар кам адашади, ишбилармонлар ҳам бундан мустасно эмас. Бу борада донолар шундай дейди. «Ҳамма нарасада, - деганди қадимги юнон алломаси Солон (э.р.ав.638-550й.й.) меъёр бўлиши керак». Ишбилармонлар учун айти муддао, тадбиркорларга ҳам асқотади. Умуман, меъёрнинг шарофатлилиги мўл-қўл, оқибати ҳам диққатга сазавор. Аммо, унинг тесқариси ғирт беъманилик, нодонлик, ношукрликдир. «Ҳар қандай ортиқчалик, - деганди Сенека (қадимги Рим донишманди) - иллатдир». Алломанинг ўғитини мағзини чақсангиз, кичкинагина жумлада, шунчалик мўл маъно борлигига гувоҳ бўласиз. Мазмундорлиги ҳам қойил қоларли.

Тадбиркор ва ишбилармонларни безайдиган ҳислатлардан бири ғайрат - шижоат. «Тангри, - дейилган Ҳадиси Шарифда, - ўз бандалари ичида ғайратлисини ёқтиради»¹. Тангрига ёқиш ҳар бир мусулмоннинг азалий орзуси. Тангрига ёққан банданинг охирати обод. Ғайратсиз, шижоатсиз ишбилармонларнинг иши юришмайди, тадбиркорнинг ҳолига вой. XIX асрда яшаб, ижод этган америкалик аллома Эмерсон, - «Ҳеч қачон ҳеч қандай улуғ иш ғайратсиз юзага чиқмаган». Алломанинг ҳикматини мағзини чақиб, ҳулоса чиқариб, ибрат олган тадбиркорнинг ғайрати кўзғалади, ишбилармоннинг шижоати жунбушга келади, бу кони фойда-ку!

Ишбилармон ва тадбиркорларнинг фаолиятида ирода, сабот-матонатнинг ҳам ўрни катта. Иродали ишбилармоннинг ошиғи-олчи, сабот-матонатли тадбиркорга омад кулиб боқаверади. «Иродали киши учун, - деганди Эразм Роттердамский, - ҳеч қандай қийин иш йўқ». Дарҳақиқат, алломанинг ҳикмати тадбиркорларга қанот бағишлайди, уларни эзгуликка ундайди, яхшиликка чорлайди. Ишончига ишонч қўшилиб, ғайрат - шижоати ошади.

Шундай қилиб, тадбиркорлик, ишбилармонлик ўз даврининг улуғлари томонидан шарафланиб келинган, ҳамду-санолар битилиб, мадҳ этганлар. Истиқлол туфайли мамлакатимизда тадбиркорликка, ишбилармонликка кенг йўл очилди. Давлатимиз, тадбиркор ва ишбилармонларни ўз ҳимоясига олиб, барча шароитларни яратаяпти.

3. Тадбиркорнинг ширинсўзлик санъати

«Ширин сўз - жон озиғи» деган нақл халқимизнинг энг ноёб , мазмундор ва пурҳикмат дурдоналаридир. Чунки «ширин сўз - дилингин равшан, кайфиятингни чоғ қилади. Битмаётган ишнинг ҳам «калити» ана шу шакар гуфторликдир. Яхши сўз билан битмаган иш битади, қилинмаётган «чала»лар амалга ошади. Одамлар ўртасидаги муносабатларнинг яхшиланишига олиб борадиган энг яқин восита ширин сўзликдир. Хушмуомалик, ширин сўз билан

¹ Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. -Т.: «Фан», 1990, 42 бет.

аввал ҳаёлга келмаган имкониятларни амалга ошириш мумкин. Айни вақтда ширинсўзлик одамнинг маданиятлиги билдиради, унинг ички маънавий қиёфасини англатади. Айниқса, тадбиркорликда ушбу ҳислат ўзини кўпроқ кўрсатади. Кўп билан муомала қилишда уларнинг кўнглини кўтариб, дилини овлашда гап кўп. Умуман, ширинзабонлик ҳар ерда зарур, ҳамма жойда керак. Кўчада ҳам, сафарда ҳам ҳаттоки оилада ҳам хушмуомаликнинг натижаси омонлик, оқибати шарофатли. Мулойимлик, босиқлик, вазминлик билан бошланган юмушлар сип-силлиқ битиб кетади. Шунинг учун ҳам одамларнинг доимий ҳамроҳи бўлиб қолган хушмуомаликни сақлаб, унга риоя қилинса кифоя, яхшиликларини аямайди. Яхши сўз яхши, яхши муомала ундан ҳам яхшидир. Ушбу яхшиликдан Танғрим айирмасин.

Халқимизда яхши одатлар кўп, ибратли удумлар ҳам ўзига яраша. Аммо уларнинг анча шов-шувларга сабабли бўлмаганлари ҳам бор. Шулардан бири ширинсўзлик, хушмуомалалик бўлса керак. Хушмуомалалик одамларни яқинлаштиради, улар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлайди. Хушмуомалалик туфайли одамлар бир-бирлари билан шундай сирдош, яқин бўладилар-ки, ораларидан «қил» ҳам ўтмайдиган бўлиб қолади. Ана шуларнинг ҳаммаси бир оғиз «ширин сўз»дан бошланади. Дарҳақиқат, бир оғиз ширин сўз - дил малҳами, ҳаёт лаззати, инсон ҳурмати, иззати. Сўз кишилар ўртасидаги шундай бир алоқа воситасидирки, уни ҳаётимизда тутган ўрнини тасвирлаш қийин. Сўз - инсоният учун бебаҳо хазина, у мўъжизалар ярата оладиган жуда катта ижтимоий куч.

«Сўздан қудратлироқ нарса йўқ, - деб ёзган эди алломалардан бири, - сўз ёвларни яксон этади, қалъаларини йиқади. У кўзга кўринмас қурол, сўз бўлмаса дунё дағал кучлар қўлида қолар эди». Демак, ана шу қудратли воситадан ўз ўрнида фойдаланиб, унинг кенг қамровли имконият қирраларидан санъаткорона қўлланила олинган тақдирдагина сўз катта куч эканлигини касб этади.

«Сўз буюк нарса, - деган эди Лев Толстой, - шунинг учун ҳам буюкки, сўз билан одамларни бирлаштириш, сўз билан уларни бир-биридан юз кўрмас

килиб юбориш мумкин, сўз билан меҳр қозониш, сўз билан нафрат ва адоватга йўлиқиш мумкин. Одамларни бир-биридан ажратадиган сўзни айтишдан сақланинг». Ҳа, сўз бамисли дуру гавҳар, жавоҳирдир. Ширин сўз дилимизга дармон, турмушимизга нурафшонлик бағишлайди. Оддий, самимий сўзларга нима етсин? Содда сўзлар киши қалбига тез етиб бради. Унда мулойимлик барқ уради, унинг таъсирчанлиги ҳам ошади. Ширин сўз билан тадбиркорлар, битмаган ишини битиради. Сўз оҳангидаги салгина димоғдорлик ҳам тингловчининг ғашини келтиради.

Аччиқ сўзнинг азоби ҳақида, унинг кишиларга салбий таъсири ҳақида мутафаккирлар жуда ибратли сўзлар айтганлар. Аччиқ сўзни илон захридан ёмон, тиг жароҳатидан халокатлироқ деб таърифлаганлар. «Сўз ярасидан кўра тиг ярасини даъволаш осонроқ», - дейди испан адиби Педро Кальдерон. Сўз нафақат кишилар ўртасидаги алоқа воситаси, балки куч-қудрат манбаи ҳамдир.

Жасоратларга ундовчи яловбардор ҳам анна шу сўздир. Сўзнинг имкониятлари серкирра, сермаъно бўлиб, ўз ўрнида ишлатилса, ана шу серкирра томонларига жило бериб тобланса, у ўзининг бор кучини намоён этади. Сўз қудратининг барча жафҳалари ишга солинса, илгари ҳаёлга келмаган мўъжизалар содир бўлади. Сўз даъваткор чақириқ каби жисмингга куч тўлдириб, қалбларингни оловлантиради, сўнмас зафарларга чорлайди, кишининг ғайратини жўштирадиган ҳам, унинг кучига куч қўшадиган ҳам анча шу ўз ўрнида қўлланилган, кишининг нозик таъбига таъсир кўрсата олган сўздир.

Кишиларнинг айнкса тадбиркорларнинг ўзаро муносабатларини белгилашда сўзнинг ўрни беқиёслиги сир эмас. Аммо сўзнинг қудрати қанчалик буюк бўлмасин унга бўлган муносабатимизда шунчалик эҳтиёткор бўлишимизни тақозо этади. «Сўз айтишдан аввал, - деган эди академик, - И.П.Павлов, - ҳар дақиқада сен сўз ортидан келадиган оқибатни ўйла»... Дарҳақиқат, аччиқ сўз айтиб, ширин сўз кутмагин, халқимиз нақлида зикр қилинганидек, «арпа экиб - буғдой кутмагин», «Нима эксанг шуни ўрасан». Шунинг учун сўзни меъёрида ишлатмоқ керак.

Юмшоқ, маъноли ва мазмунли сўз, суҳбатга файз киритади. Ундан ташқари ширин сўз димоғингни чоғ этиб, кўнгилни кўтаради, кайфиятни яхшилади. Ўз-ўзидан маълумки, кайфият соғлиққа фойдали, балки ижтимоий иш унумини ҳам оширади. Сўзлашув ҳам катта маданият, унинг ҳам нозик томонлари бор. Сир-асрорлари ҳам анча, имкониятлари ҳам чексиз. Сўзнинг имкониятларидан санъаткорона фойдаланилса, аниқроғи уни санъат даражасига кўтарса, таъсири янаям буюк бўлади. Маҳоратли лекторларнинг сўзлашларини тинглаганимизда, ёки артиситларнинг сўзни «чертиб», жой-жойига қўяётганларидан маҳлий бўлиб қоламиз. Аммо ана шу меҳнат эвазига келади. Йиллар давомида олиб борилган машқлар, тайёргарликлар, натижасида кўлга киритилади. Айни вақтда сўз билан ишнинг бир вақтда бир-бирига монанд бўлишини ҳаёт тақозо этади. Агар улар бир-бирига номувофиқ бўлса, ундан ёмони йўқ. Қилинаётган иш сўзга мос келмаса, сўзнинг бурди кетиб, бебурд бўлиб қолади. У қанчалик чиройли, дабдабали бўлмасин, барибир бетасирдир. Қани бу борада буюк алломалар бисотиға назар ташлайлик-чи, қандай мисралар жилваланаётган экан. Мана эшитинг:

Ишидан туғилса фақат дард-алам,

Тилидан не фойда сеҳрласа ҳам.

деганда Абдурахмон Жомий, кишининг иши билан сўзи, тили билан дили бир бўлиши лозимлигини назарда тутган. Иш ва сўзнинг бир бўлиши унинг соҳиби, тадбиркор ва ишбилармонга фақат таҳсинлар олиб келади, унинг обрўйига яна ҳам обрў қўшади. Ширин муомала керак, самимий муносабатлар зарур. Аммо уни сийқаллаштириш керак эмас. Сийқаси чиққан муносабатлар суҳбатдошни мазах қилгандай туюлади, кишининг асабини бузади. Айни вақтда бу ҳолат сўзнинг қадрини туширади. Аммо ана шу сўз қадрини билиб, ўз ўрнида ишлатилса, нур устига аъло нур. Афсуски, сўз қадрига бефарқ қараб, ҳуда-беҳудага ишлатиб, кишининг ғашини келтирмаслик керак. Бир қолипда сўзларнинг керак-нокерак ўринда ишлатиш ҳам жуда кўп учрайди. Ўша сўзнинг мавридими ёки йўқми, бунга ҳам эътибор берилмайди. Суҳбатдошини ҳали билиб ўрганмасдан, бир икки оғиз сўзиданоқ бирдан - томдан тараша

тушгандай: «Менга сиз ёқиб қолдингиз», «Мен сизни ниҳоятда ҳурмат қиламан». «Мен учун сиз ягонасиз», «Сизнинг кулишларингиздан ҳам ғиж-ғиж маъно ёғилади», «Сизнинг сўзларингиздан доноликнинг ҳиди барқ ураяпти». «Нигоҳларингиздаги нуронийликни қаранг-а» ва ҳаказо деб сунъий, ясама, «куруқ», мактовлар шундай кўпиртириладики, асти қўяверасиз, Ҳаттоки, «Исмингиз ҳам мен яхши кўрадиган исмлардан экан», деб роса ҳавойи гапларни олиб қочадилар. Азиз ўқувчилар бизни фақат тўғри тушунишликларингизни истаймиз, самимий сўзларни ишлатишларига қарши эмасмиз. Аммо бу сўзларни мавриди билан, ўз ўрнида қўллаш керак, акс ҳолда бу эҳтиромлар қалбакилиги жуда сезилиб қолади. Бу эса жуда ҳам ноқулай ҳолатни юзага келтиради.

“Ҳаммани мактайдиган одамга, - ишонма”, деган эди инглиз адиби Жон Коллинз. Булардан шундай маъно чиқадики, ҳаттоки чиройли сўзлар ҳам ўз ўрнида ишлатилмаса, хушмуомалаликка путур етиб, у ўз салмоғини йўқотар экан. Ҳа, сўзларни ўз ўрнида ишлатиб, мавриди билан меъёрида фойдаланмоқ керак.

«Сўзга эътибор - элга эътибор» деган нақлда инсоният учун ноёб ҳисобланган сўзнинг қадри улуғланиб, поклигини сақлаш ҳаётий зарурат эканлиги ўз ифодасини топган. Демак, хушмуомалалик учун сўз танлай билиш керак экан, сўз танлаш ҳам гўё бир санъат бўлиб, бунда ҳам фаҳм-фаросатни ишлатиш даркор экан.

4. Тадбиркорнинг хушмуомалалиги - зийнат

Сўзламасдан олдин сўзингни сина,

Ҳар бир сўздир умринг ичида сина,

Анбар Отин

Хушмуомалалик инсоний зийнатлардан ҳисобланиб, одамларга фойдали томонлари билан хизмат қилади. Ушбу ҳислат одамларга кўнгилхушлик, кайфи чоклик келтиради. Дилхираликларга қирон келтириб, хушчақчақлик бозорини чаққон қилади. Кўнгил ришталарининг майин торлари, оҳиста товланиб,

дилхушликни мавжлантиради. Хушмуомала бўлишда сир-асрор катта. Хушмуомала бўлиш ва ширин сўзликнинг нимасини айтасиз? Хушмуомалалик, ширин сўз, дилкашлик, кишилар ўртасидаги бир-бирларига нисбатан бўлган илиқ муносабатларга нима етсин. Хушмуомалалик киши кайфиятига жуда тез таъсир қилади. Дилни нурафшон қилиб, қалб чироғини чарақлатиб юборади. Рухни тетиклаштиради, кишиларда яшашга иштиёқ уйғотади, тадбиркорларни битмаган ишини битиради. Келажакка бўлган инсон ишончини мустаҳкамлайди, танангизга куч-қувват бахшида этади. Эҳ-ҳе, ширин сўзнинг нимасини айтасиз, у жисмингизга мисли малҳам сингари сингиб, фароғат денгизида суздириб, хузур-ҳаловат неъматлари билан сизни сийлайди.

Шифокор - рухшунос олимларини фикрига кўра яхши кайфият тадбиркорларнинг иш унумига ижобий таъсир кўрсатиб, самарадорлигини оширар экан. Халқимиз нақлида зикр қилинганидек «Яхши кайфият - меҳнатга ҳамдам» дир. Шунинг учун ширин сўзда каромат катта, у мўъжизалар яратиш қудратига эга.

Инсонийлик хазинаси илжуларидан ҳисобланган хушмуомалалик фақат ўзини эмас, балки атрфодагиларнинг ҳам кўнглини кўтаради, вақтини хуш, димоғини чоғ қилади. Айниқса ишбилармонларда инсонийлик ҳислатлари жамулжам бўлса, уларнинг суҳбатларидан, маслаҳатларидан дилинг равшанлашиб, кайфиятинг кўтарилиб кетади.

Кўпчиликнинг кундалик ҳаётида тез-тез учраб турадиган бир ҳолатни ҳурматли ўқувчиларимизга ҳавола қилмоқчимиз.

Яқинда бошқа шаҳарда истиқомат қиладиган бир ишбилармон ўртоғим билан телефонда гаплашиб, баъзи юмушлар ҳақида маслаҳатлашиб олдим. Унинг лаззатли суҳбатидан, илҳомбахш маслаҳатидан мамнун бўлиб, ўзимда йўқ даражада севиндим.

Асрлар оша инсоният маъанивий дунёси олтин сандиқларида авайлаб сақланаётган, қуйида зикр қилинаётган ушбу инжулар шу ўринда жуда ҳам ярашади.

**Жумард кўнгил яшнатар
Қўпол дилни қақшатар**

Жўмард дўстимизнинг кўнгилни яшнатиб юборган ҳаётбахш асал сўзлари бошимни кўкка етказди. Мени бундай яхши кайфиятда юрганимни кўрган бир танишими «Ҳа, хотининг эгиз ўғил туғдими, бунчалик хурсандсан?» деб сўраб қолди. Ана кўрдингизми яхшилар, арзимас, кўзга ташланмайдиган нарса бўлиб кўринган ушбу ҳолат кишини кайфиятини яхшилаб, руҳини тетиклаштиради. Шунинг учун ҳам доно халқимиз «эзгуликнинг катта кичиги бўлмайди» деб бекорга таъкидламаган-да. Бундай кайфият билан ишинг ҳам унумли бўлади, соғлиқка ҳам фойда. «Ширин сўз - жон озиғи» деган нақл нақадар тўғри эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Хушмуомалалик бўлган жойда меҳр-муҳаббат, ўзаро ҳурмат қанот ёзади, бир-бирига бўлган ишонч ришталари мустаҳкамланади.

«Айтилган сўз - отилган ўк» деганларидек, уни қайтариб бўлмайди, мабодо яхши сўз бўлса, ўринли бўлса омон - омон, мужмал, нордон ва чалқаш бўлса ҳай-ҳай, унақадан Танграмнинг ўзи асрасин дейсан. Шу ўринда Шерозийнинг ушбу мисраларини келтириб ўтишни лозим кўрдик.

Ё ўйлаб сўзлагин инсон мисоли,

Ё жим туравергин ҳайвон мисоли.

Ҳа, маза-матрасиз сўзлагандан кўра жим турган юз қарра афзалдир. Бамаъни гапнинг ўринсиз эканлиги ярим жафо, аччиқ гапнинг жафоси эса минг жафодир. Мана бу борада Носир Хусравга қулоқ тутайликчи, нима деган эканлар:

Одам тилидандир балонинг бари,

Тилдан ҳар кимсанинг фойда-зарари.

Дарҳақиқат, тилда, муомалада жуда катта сирли маъно бор. Тилга эрк бериш ноҳуш оқибатларга олиб келади. «Тили узуннинг - иши хуржун» деган доно нақл бор, аммо узун тил соҳиби нафақат ўз ишини хуржун қилади. балки бошқалар назаридан қолиб, нафратга учрайди, ундан ташқари ана шу тасқара феълли кимса дилни хуфтон қилади. Яқинда бир танишимни руҳи тушкун, тажанг ҳолатда учратиб қолдим. «Ҳа, нима бўлди?» дейишимга ҳам қарамай, ойнага тикилиб, жуда маюсланиб қолди. «Маълум бўлишича, анчадан бери

кўрмаган собиқ курсдоши билан уришиб қолган экан. У «Эҳ, тамом бўлибсан-ку, башарангга қара, ҳаммаёқ бужмайиб кетибди-ку,» деган экан. Ана шу совук муомала ўртоғимнинг у ёқ, бу ёғидан ўтиб кетибди. Бечора менга ҳам, «Наҳот тамом бўлаяпман-а?» деб қолди Мен баҳоли қудрат кўнглини кўтаришга ҳаракат қилдим. Аммо ўртоғимнинг дил ойнаси чил-чил синган эди. Уни чегалаш анча мушкул. Ҳа, «Ўзи совуқнинг қилиғи ҳам совуқ» деб шунга ўхшаган кимсаларни айтса керакда.

Хушмуомалаликнинг энг яхши хусусиятларидан бири мавриди билан сўзлашдир. Бемаврид, ўринсиз сўзни йўнилмаган таёкка ўхшатган донолар. Бу борада донишмандларимиз мулкига назар ташлайдиган бўлсак, ибратли жумлалар жилва қилиб қолади.

Ширин сўзли шилгай душман пўстини,

Дағал сўзли душман қилар дўстини.

деган мисралари билан устоз Саъдий ҳам хушмуомалалик, ширин сўзлик ҳақида фикр юритган.

Сўз ишлатишнинг ўзига хос нозик томонлари жуда кўп. Чунки, ҳар бир сўз ўз маъносига кўра бир неча ўринларда қўлланилиши мумкин. Айниқса ўша пайтда ақл-фаросат жуда қўл келади. Инсон ҳар томонлама етук бўлиши учун атрофига сезгирлик билан муносабатда бўлиб, аввало ўзини-ўзи хушмуомалалик руҳида тарбия қила оладиган бўлиши лозим. Одамийлик ичида хушмуомалалик тушунчасининг ҳам қамрови кенг, кўп қиррали тушунча. Дарҳақиқат шунда экан бу соҳадаги нуқсонларни, камчиликларни йўқотиш бир ҳамла билан амалга ошмайди. Шунинг учун, кенг жамоатчилик, коллектив, маъмурият ҳамкорлигида иш олиб борилса, бу иш ҳеч шубҳасиз ўз ижобий натижасини бериши, кишиларининг бир-бирларига бўлган муносабатларини ўз маданиятлилиқ асосига қурилишига катта таъсир кўрсатиши мумкин.

5. Тадбиркорнинг муомала маданияти

Сўзинг оз бўлсин-у, маъноли бўлсин,
Эшитганлар қулоғи дурга тўлсин.

Абдулла Авлоний

Дарҳақиқат, муомалада ҳам, ўзаро суҳбатда ҳам сўзлар ўз ўрнида ишлатилса, кутилган натижани беради. Муомала, суҳбат «майдалашиб» чегараси чикса, эзмаликка айланади. Шунда ҳам тўхтатмасангиз «иғво»нинг шабадаси эсиб қолади. Бундан ташқари «аравани куруқ олиб кочувчилар», сафсатадан нарёққа ўтмайдилар. Соатлаб «сотган» гаплари бир чақага қиммат, куруқ вайсашдан бошқа нарса эмас.

Ҳа, сергап лақмалар лақиллагандан лақиллаб, гапираверади, медангга тегиб, адойи тамом қилади. Танишларимдан Мамадўстнинг эзмалигидан бир шингилини ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилмоқчимиз. Мамадўстнинг маълумотини билмаймизу, аммо ўзи магазинда сотувчи бўлиб ишлайди. Иш жараёнида ўзини қандай тушиши ҳам менга номаълум, аммо суҳбатлашиш чоғида бировга гап бермайди. Энг қизиғи шундаки, у ёки бу масалага ақли етса ҳам, етмаса ҳам аралашиб, ўзининг шу соҳанинг билимдони қилиб кўрсатади. Мамадўст бир сафар Африкадаги қайсидир бир қабиланинг урф-одати ҳақида гап сотса, дарров бошқа бир мамлакатдаги миллий низоларнинг сабабларидан оғиз кўпиртиради. Энг ачинарлиси шундаки, Мамадўстнинг ҳамма дийдиёлари ёлғон, мавҳум «кўча» гаплари асосида кўрилган. Унинг сафсаталарида аниқлик ёки ҳақиқат йўқ, унинг учун ҳақиқатнинг бўлиши ҳам унчалик зарур эмас, унга фақат «куруқ» гап бўлса бўлгани. Баъзан бизникига чиқиб: «Домла билан икки оғиз суҳбатлашай», - дейдилар, гап ўртасида, «Домла, Сиз ўқимишли кишисиз, у ёки бу нарсаларни билиб олайлик деб келамизда», - дейдилар - у, аммо бизга гап қаёқда дейсиз. Гап халтасида йиғилиб қолган, тўкиб солмасдан тўхтатиб бўпсиз: Мамадўстнинг сафсаталаридан бошим қотиб, нима қилсам қутиламан. «Суҳбат»нинг бундай ярамаслигига минглаб лаънатлар ўқийман. Шунда эзмаликнинг нақадар пасткашлигига ишончим комил бўлиб, ундан қочишга ҳаракат қиламан. Ё тавба дейман, ўзимга ўзим, одам ҳам шунчалик шилдир

бўладими-а? Кейинги вақтларда нафақат унинг суҳбатидан, балки ўзини кўрсам ёки ўйласам ҳам бошим оғрийдиган бўлиб қолди. Француз ёзувчиси Поль Ренар бу борада «табиатнинг эзмаларни кўрарга кўзи йўқ», деб минг афсус надоматлар билан таъкидлаган экан. Нақадар ўринли танбех. Ибрат олса бўладиган насихат. Маҳмадона, сафсатабоз эзмалардан нафақат одамлар безор. Ҳаттоки адиб таъкидлаганидек, табиат ҳам улардан норози. Ҳа, азиз ўқувчи, эзмалар вақтингни олади, асабингни бузади, қўйиб берсанг миянгни қоқиб қўлингга беради. Лекин мана шу ярамас иллатни ҳам даволаса бўлади, бунинг учун «туя» билан «от» керак эмас. Фақат ақлли озроқ ишлатса кифоя. Атрофга биров сезгирлик билан қаралса бўлгани. Ўша эзмалар фаросат билан тингловчисига эътибор бериб қараса ҳам ёмон бўлмайди. Тингловчига ёқмаётганингизни билдингизми, дарров гапни тўхтатинг, шу билан олам гулистон, ортиқча даҳмазага ўрин қолмайди, ҳижолатбозлик ҳам бўлмайди. Шу ўринда маданийроқ қилиб сағал дашном, насихат ҳам қилса бўлади. Муомала соҳасида бировларга насихат қилиш, яхши оқибатларга олиб борадиган маслаҳатлар бериш даркор. Айниқса яқинлари, қариндошлар ўртасида ушбу одат томир ёйган. Ушбу тадбир ҳар доим ўзининг ижобий натижасини бериб, бало-қазоларни олди олинган. Насихат керак, ёмон йўлдан қайтарадиган маслаҳатнинг ҳам зарари йўқ. Аммо ана шу насихат ҳам меъёридан ошмаслик керак экан. Мабодо меъёрдан ошса, унинг ҳам даҳмазаси катта бўларкан. Демак, бировларга дашном бериш, хатосини кўрсатиб танқид қилиш керак, албатта. Албатта бу танқид беозор ўринли ва ўз вақтида бўлмоғи зарур. Инсонга дашном бераман, унинг камчиликларнинг олдини олиб, уни ўз вақтида баратарф қилишда ҳам гап кўп. Чунки ҳамманинг ўзига яраша нуқсони бор. Шунинг учун ҳам камчиликларимизни тушуниб етишда ҳислат катта. Ҳатони тушунишлик ҳам ақллиликдан нишона. Зеро таниқли сўз устаси Шекспир ёзганидек,

Ҳайдалган ер каби дашном ҳам фойда,

Дашномсиз гуркираб ўсишинг қайда.

«Танқид келажакнинг меваси» дейилганидек, ўз вақтида ва ўз жойида ишлатилган танқид ва дашномнинг фойдаси жуда катта. Дашном бериб, хатоларни кўрсатиш зарур, аммо у адолат юзасидан бўлмоғи керак. У ҳақиқат билан йўғрилган тақдирдагина ўзининг чин самарасини беради. Танқидга мазах, камситиш аралашса оқибати ёмон бўлади. Демак, дашном беришда ҳам меъёرنинг бўлиши тақозо этилаяпти олий даргоҳда ишлаш жараёнида ана шу меъёридан оширилиб юборилган дашномлар нохуш оқибатларга олиб келганлигига кўп шохид бўлганман.

Ҳа, дўстона маслаҳат, беозоргина танбеҳ малҳамнинг ўзгинасидир. Ундан ҳам ишинг ривож топади, ҳам нуқсонларингни билиб тузатасан. Камчиликларнинг олди олиниб, ножўя ҳатти-ҳаракатларга йўл қўйилмайди. Шунинг учун дашном беришда ақл-идрок билан иш кутиш керак.

Хулоса

Мамлакатимизда истиқлол туфайли “тадбиркорлик” тушунчаси муомалага кириб, ишбилармон, хусусий мулкка эга бўлган шахслар тушунилади. Кичик корхона ёки қўшма корхоналар ташкил этиб, маҳсулот ишлаб чиқилади ёки аҳолига турли хил хизмат турларини амалга оширилади. Шу йўл билан ўз даромадини ошириб, қўшимча иш ўринларини ташкил этади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, мамлакатнинг иқтисодий тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб, давлатнинг ҳимоясига фаолият кўрсатади.

Тадбиркорлик фаолияти иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларини товарлар сотиш ва хизмат кўрсатиш турларига ҳам қамраб олади. Бозор учун маҳсулот ишлаб чиқариш, янги технология ва ускуналарни ўрнатиш, истеъмолчиларни топиш билан шуғулланади.

Тадбиркорларнинг янги корхоналарни очади, аҳолини иш билан таъминлайди. Ўзининг молиявий аҳолини яхшилашга ҳаракат қилади. Дунёга чиқиш йўллари излайди.

Тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқаришда корхоналар, тижоратда савдо муассасалари ва биржалар, молиявий тадбиркорликда - тижорат банклари, фонд биржалари, инвестиция ва бошқа фондлар қиради. Тадбиркорликда кичик бизнес, хўжалик тадбиркорлиги, фермер (деҳқон) хўжалиги тадбиркорлиги, ижара жамоа хўжаликларидаги тадбиркорлик, чет эллик шериклар билан қўшма корхоналар тадбиркорлиги мавжуд. Ўзбекистонда иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиши маъмурий чеклашларнинг қисқартирилиши, иқтисодиётда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш йўли билан амалга оширилмоқда. Мамлакатда бозор муносабатлари кенгайиб бормоқда ва хусусий тадбиркорлик ҳамда кичик бизнесни маблағ билан таъминловчи молиявий тузилмалар ташкил топди. Бозор инфра тузилмаси шаклланимоқда. Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жуда зарур уларнинг фаолиятсиз бозор иқтисодиёти фақат орзу бўлиб қолаверади.

Шундай тизим Ўзбекистонда шаклланди ва ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни келажакда яхшироқ, у давлатимиз иқтисодиётини ривожланишига хизмат қилади.

МУНДАРИЖА

	Кириш.....	3
1.	Президент Ислон Каримов тадбиркорлик ҳақида.....	4
2.	Донолар тадбиркорлик ҳақида.....	7
3.	Тадбиркорнинг ширинсўзлик санъати.....	10
4.	Тадбиркорнинг хушмуомалаги - зийнат.....	14
5.	Тадбиркорнинг муомала маданияти.....	18
6.	Хулоса.....	21

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти тадқиқотчиси
Ш.А.Султоновнинг “Истиқлол ва тадбиркорлик” рисоласига

ТАҚРИЗ

Тақриз қилинаётган рисола, истиқлол туфайли мамлакатимизда ривожланаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг фаолиятига бағишланган. Рисола, кириш, 5 та параграф ва хулосадан иборат. Тадқиқотчи, рисоласини Президент Ислом Каримов тадбиркорлик ҳақида, деб бекорга бошламаган. Мустақиллигимизнинг асосчиси мамлакатимизни ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини белгилаб берган, барча ислохотларимизнинг ташаббускори Президент Ислом Каримов - хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг ҳам раҳномасидир. Рисолада Президент Ислом Каримовнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳақидаги ғоялари ўз аксини топган. Рисоланинг, “Донолар тадбиркорлик ҳақида” бўлимида, ўз даврининг улуғлари тадбиркорликни мадҳ этганлиги қаламга олинган. “Тадбиркорнинг ширинсўзлик санъати” муаллиф, донишмандларнинг ҳикматларига асосланиб, ширинсўзликнинг - “ширин-шакар мевалари» билан ўқувчиларни ошна этади. Тадбиркорнинг хушмуомалалигида сир асрор мўл, муомала маданияти эса, битмаган ишни битиради. Муомала маданияти юқори бўлган тадбиркорнинг ошиғи-олчи, иши силлиқ кетади. Тадбиркорларни ҳам “қиш-қировли”, “изғиринли” кунлари бўлиши табиий, бунга тайёр туришлик, эҳтиёткорлик чораларини кўришлик даркор. Рисоладаги муаллифнинг маслаҳатлари, истак ва тавсиялари ўринли, ундан тадбиркорлар фақат ютади. Умуман, рисола, содда, тушунарли тилда ёзилган, ҳаммабоплиги, унинг янаям баҳосини оширади. Ҳадиси Шарифдан, донишмандларнинг ҳикматларидан жуда ўринли фойдаланган. Донолар бисоти ўлмас дурдоналардир, асрлар синовидан эсон-омон ўтиб, мустақилликка чиққан тадбиркорларга беназир хизмат қилишига ишоничимиз комил. Рисола, нафақат тадбиркорларга, умуман кенг ўқувчилар оммасига катта қизиқиш уйғотади. Рисола чоп этишга арзийди.

1. З.Давронов, фалсафа ванлари доктори, профессор
2. З.Маматов, иқтисоди фанлари доктори, профессор